

НАМАНГАН ШАҲРИ ДАҲАЛАРИ

Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музей

катта илмий ходими: **Валиева Ҳадияхон**

Тарихан Наманган шаҳри тўртта – Лаббайтоға, Дегрезлик, Чуқуркеча ва Сардоба даҳаларига бўлинган.

Лаббайтоға даҳаси Соли Адашев номли кўчанинг бошидан охиригача, 40-сонли ўрта мактабдан бошланиб жанубдаги педагогика билим юртигача ва ғарбда Чорсу майдонидаги Мулла Қирғиз мадрасасидан, шарқда Мулла Бозор Охунд деган жойгача бўлган минтақани ўз ичига олади.

Туман ҳудудидаги кўплаб жойлар тарихий шахслар, воқеалар ёки ижтимоий мансублиги муносабати билан ўз топонимикасига эга бўлган, жумладан, Мулло Бозор Охунд, Курашхона, Похолбосган, Қувурбоши, Еттитошли, Тегирмон, Қаландархоно ва ҳоказор.

XIX аср ўрталарида даҳа ўртасидан Янгиариқ канали қазилган, XX аср бошларида Рўзинбоғ ариғи (ҳозирги Шимолий Фарғона канали) ҳамда темир йўл ўтиши билан даҳа аҳолиси кўпайиб, хунармандлар сони ҳам ортиб борган.

Дегрезлик даҳаси. Бу даҳада истиқомат қилувчи маҳаллий аҳоли қадимдан металлдан буюм ишлаб чиқариш билан шуғулланган. Дегрезлик (халқ орасида Дегрезли деб юритилади) деб аталишининг сабаби, бу ерда яшовчи аҳоли асосан чўяндан қозон қуйиш билан шуғулланган. Дег-форсча қозон деган маънони билдиради.

Дегрезлик даҳасига Намангансойга қурилган Ёишткўприкдан тортиб Тахтакўприк, Наманган педагогика билим юрти, 43-ўрта мактаб атрофлари, Намангансойнинг чап қирғоғигача бўлган ҳудудлар киради.

Даҳадаги темирчилик устахоналарида омоч тиши, арава ғилдираклари учун тасма шаклидаги қоплпма, арава гулчаги учун ишлатиладиган қувур шаклидаги куйма, кетмон, теша, болта, усталар учун иморат қурилишида ишлатиладиган металл асбоб-ускуналар тайёрланган.

Дегрезлик даҳасида масжид, мадраса, ҳаммам, чойхоналар ишлаб турган. Улар қаторида 1916-1922 йилларда қурилган, ўзининг меъморчилик маҳобати билан ажралиб тутувчи Ота Улихон тўра (халқ орасида Ота Валихон Тўра деб ҳам юритилади) масжиди алоҳида ўрин тутади. Бинобарин, бу меъморий обида нафақат Наманган шаҳрида, балки Марказий Осиёда ҳам махташам осори атиқа ҳисобланади.

Чуқуркўча даҳасига Жийдакапа, Совунгарлик, ҳозирги Самарқанд, Тошкент кўчалари ҳамда Мулла Қирғиз мадрасасининг шимолий томонига туташ кўчалар кирган. Ҳар бир кўчанинг икки бетида тандирчилар, кулоллар, сандиқчилар, йигчилар, қисман темирчиларнинг устахоналари жойлашган. Бу кўча шунингдек, “Кўзагарлик” деб ҳам аталади. Ҳозирги Тошкент ва Самарқанд кўчаларида асосан совун тайёрловчи совунгарлар жойлашган. Марказий универмаг қаршисидаги кўчаларда яшовчи аҳоли новвойчилик ва ошпазлик билан шуғуллангани боис, бу ер Ширмонпазлар кўчаси ва маҳалласи деб номланган.

Дехқон бозори ўрнида “Раста” деб аталувчи базозлик бозори бўлиб, бу ерда асосан, шойи, атлас, барқут, беқасам, олтивок, бўз, чит каби матолар, кавуш, маҳси, калош каби оёқ кийимлар билан савдо қилинган. Бундан ташқари, хорижий мамлакатлардан олиб келинган турли буюмлар, кийим-кечаклар ҳам сотилган. Собиқ стадион атрофидаги автобус бекатида эса, кудунгарлар, яъни тўқилган шойи газламаларни пардозлайдиган ҳунармандларнинг ҳамда ип ва газламаларга бўёк берадиган бўёқчиларнинг устахоналари жойлашган.

Уйчи кўчасининг икки томонида чойхоналар ва ошхоналар, улар оралиғида эса, қандолатчилик дўконларида ҳолва, пашмак, парварда, холвойи, совунак, печак,

нонвот каби ширинликлар билан савдо қилинган. Ушбу кўчада карвонсаройлар жойлашган бўлиб, бу ерга атроф қишлоқлардан келган деҳқонлар ўз от-араваларини кўяр ва кечалари тунаб қолишар эди.

Чуқуркўча даҳаси маркази Чорсусига Жийдакапа, Уйчи ва Зирабулок кўчаларининг туташган қисмидан тўрт томонга йўл кетган.

Сардоба даҳаси-Наманган шаҳрининг жануби-ғарбий қисмида жойлашган. Унга Тўрақўрғон, Аҳси, Қўқон, Марғилон ҳамда уларга туташ кўчалар кирган.

Сардобалар аҳоли яшайдиган ҳудуднинг марказида бўлгани учун унинг атрофи турли ҳунармандчилик устахоналари, савдо-сотик қилинадиган гавжум жойлар ҳисобланади.

Марғилон кўчасининг бошланиш қисми Исфaxon деб аталиб, у ҳозирги кунда янги қурилган универмаг биноси ўрнида каттагина майдон бўлган, унинг атрофида баққоллик дўконлари, чойхоналар жойлашган. Ҳайит ва турли байрам сайилларида бу ерда ҳар хил кўнгилочар ўйинлар кўрсатилган. “Ўзбекистон” кинотеатри (1952 йилда қурилган) биноси атрофида эса, тақачилик устахоналари жойлашган бўлиб, темирчи усталар асосан ўроқ, кетмон, теша, болта, тақа каби буюмлар ясаганлар.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси “Маҳалла тўғрисида”ги Қонуни. — Тошкент, 2020.
2. “Наманган вилояти тарихи” — Тошкент: Фан, 2018.
3. Наманган шаҳар ҳокимлиги расмий маълумотлари (маҳалла ва даҳалар бўйича ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар).
4. Ш. Аҳмедов. “Фарғона водийси шаҳарлари: урбанизация жараёнлари”. — Тошкент, 2019.
5. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳисобот материаллари.